

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD. 03/28.08.2020.I.55.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НАВРУЗ-ЗОДА ЗЕБИНИСО БАХТИЁРОВА

**ТУРИСТИК ХУДУДЛАР НЕГИЗИДА ЗИЁРАТ
КЛАСТЕРЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ
ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ**

08.00.17 - Туризм ва меҳмонхона фаолияти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Урганч – 2021

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on economical sciences**

Навруз-зода Зебинисо Бахтиёровна

Туристик ҳудудлар негизида зиёрат кластерларини шакллантиришнинг
ташкилий-иқтисодий механизмлари.....3

Навруз-зода Зебинисо Бахтиёровна

Организационно-экономические механизмы формирования паломнических
кластеров на базе туристических дестинаций.....27

Navruz-zoda Zebiniso Bakhtiyorovna

Organizational and economical mechanisms for forming pilgrimage clusters based on
tourist destinations.....53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of publications.....57

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD. 03/28.08.2020.I.55.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НАВРУЗ-ЗОДА ЗЕБИНИСО БАХТИЁРОВА

**ТУРИСТИК ҲУДУДЛАР НЕГИЗИДА ЗИЁРАТ
КЛАСТЕРЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ
ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ**

08.00.17 - Туризм ва меҳмонхона фаолияти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Урганч – 2021

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/Ўт1472 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.urdu.uz) ва "Ziynet" Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Тухлнев Искандар Суёнович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Эргашев Рахматилла Хидирович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Бекжанов Дилмурад Йулдашович
иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)


Етакчи ташкилот: Қорақалпоқ давлат университети


Диссертация ҳимояси Урганч давлат университети ҳузуридаги иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини берувчи PhD.03/28.08.2020.1.55.03 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2021 йил "10" сентябрь соат 20 даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 220100, Урганч шаҳри, Ҳамид Олимжон кўчаси 14-уй. Тел.: (99862) 224-67-00, e-mail: info@urdu.uz


Диссертация билан Урганч давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (45932-38 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 220100, Урганч шаҳри, Ҳамид Олимжон кўчаси 14-уй. Тел.: (99 862) 224-67-00, e-mail: info@urdu.uz

Диссертация автореферати 2021 йил "10" сентябрь куни тарқатилди.
(2021 йил "10" сентябрь даги 13 рақамли реестр баённомаси).




И.С. Абдуллаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгаш раиси, и.ф.д, профессор


Ш.Б. Рузметов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.н., доцент


Б. Рузметов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда даромадлилик даражаси бўйича учинчи ўринни эгаллаб, глобал ялпи ички маҳсулотдаги улуши 10,0 фоизни ташкил этадиган туризм соҳаси¹, коронавирус пандемияси даврида энг кўп зарар кўрган дунё иқтисодиёти тармоқларидан бирига айланди. Жаҳон сайёҳлик ташкилоти (ЮНВТО) маълумотларига кўра, 2020 йилда туристлар сони 364,3 млн кишини (олдинги йилга нисбатан 74 %га камайган), туристик хизматлар экспортидан кўрилган зарар 1,3 триллион АҚШ долларига етган ва бу 2009 йилдаги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози сабабли кўрилган зарардан 11 баравар ортиқ бўлган². Коронавирус пандемиясидан кейинги даврда туристларнинг саёҳат-ҳаракатларидаги туб ўзгаришларни инобатга олган ҳолда соҳани анъанавий ривожлантириш усулларида кластер моделига ўтиш жараёнларини жадаллаштириш зарурати алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда туристик кластерларни ташкил қилиш ва уларни инновацион ривожлантиришга йўналтирилган кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Амалга оширилаётган илмий изланишлар таркибида туризм соҳасида кластерларнинг ўзига хос хусусиятлари ва шакллантириш босқичлари, аломатлари, амал қилиш самарадорлиги, бошқарув органлари тузилиши, тармоқда қўшилган қиймат занжирини яратиш, бизнес ҳамкорлар билан вертикал ва горизонтал алоқалар ўрнатиш, ҳудудларнинг рақобатбардошлигини ошириш, ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш, инновацион туристик маҳсулот ва хизматларни яратиш каби йўналишлардаги тадқиқотларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Ўзбекистонда туризмнинг салоҳиятли ва истиқболли турларидан бири зиёрат туризми ҳисобланади. Унинг ўзига хос хусусияти комил инсонни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан шакллантиришга ижобий таъсир кўрсатиши билан боғлиқ. Бугунги кунда жаҳондаги туристик объектларнинг 90 фоизидан дан ортиғи бевосита ёки билвосита сиғиниш ёки дин билан алоқадор³. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2021 йилдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Туризмни ривожлантириш бўйича 2021 йилда ҳам изчил ислохотларни давом эттирамиз. Айниқса, зиёрат туризми ва ички туризмни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилади”⁴, деб таъкидладилар. Ушбу стратегик вазифани муваффақиятли бажариш учун хорижда синалган ва туризм соҳасини ҳудудий жиҳатдан самарали ташкил этиш ва хизмат кўрсатувчи субъектларининг қўшилган қиймат занжири билан боғланишини таъминлашга қодир бўлган кластер ёндашувида зиёрат туризмни

¹ <http://vawilon.ru/statistika-v-turizme/>.

² UNWTO, COVID-19 and Tourism 2020, A year in review, January 2021 https://webunwto.s3.eu-west-1.amazonaws.com/s3fs-public/2020-12/2020_Year_in_Review_0.pdf

³ Папирян, Г. А. Международные экономические отношения: маркетинг в туризме / Г. А. Папирян. — М. : Финансы и статистика, 2000.- С. 201.

⁴ Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. <https://president.uz/uz/lists/view/4056> [29.12.2020].

ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги ПФ-4861-сон «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 3 февралдаги ПФ-5326-сон «Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида», 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сон «Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2019 йил 13 августдаги ПФ-5781-сон «Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 28 майдаги ПФ-6002-сон «Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун туризм соҳасини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида», 2021 йил 9 февралдаги ПФ-6165-сон «Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 16 августдаги ПҚ-3217-сон «2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида», 2017 йил 19 майдаги ПҚ-2980-сон «2017-2019 йилларда Бухоро шаҳри ва Бухоро вилоятининг туризм салоҳиятини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 февралдаги 100-сонли «Ички ва зиёрат туризмни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I.«Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Туристик дестинация (худуд) назарияси хорижий олимлардан Н. Лейпер, М.Тамма, У. Мартини, М. Франк, С.Вахаб ва Л.Крампон, Л.Дюэр ва Ч.Ким, Э.Ацопарди, Т.Михалич, Д.Бухалис⁵ ҳамда МДХ давлатлари олимларидан М.А.Морозов, С.С.Николаев,

⁵ Leiper N. The framework of tourism: Towards a definition of tourism, tourist, and the tourist industry // Annals of Tourism Research, № 6(4), 1979. P. 390-407; Michelle Tamma, Destinazioni: concorrenza tra luoghi o tra sistemi di offerta? In Pechlaner H. e Weiermair K. (a cura di), Destination Management, Touring Club Italiano 2000, 50 p; Martini, Umberto. Management dei sistemi territoriali: Gestione e marketing delle destinazioni Turistiche. Vol. 27. G Giappichelli Editore, 2015; Franch, Mariangela, et al. "4L tourism (landscape, leisure, learning and limit): responding to new motivations and expectations of tourists to improve the competitiveness of Alpine destinations in a sustainable way." Tourism review 63.1 (2008): 4-14; Wahab, S., Crampon., L.J., & Rothfield, L.M. (1976). Tourism Marketing. London: Tourism International Press; Dwyer, Larry, and Chulwon Kim. "Destination Competitiveness: determinants and indicators." Current Issues in Tourism, (2003) 6 (5): 369-414; Azzopardi, E., 2011. The international competitiveness of Malta as a tourist destination. Available from OpenAIR@RGU. [online]. Available from: <http://openair.rgu.ac.uk>; Mihalic, T., 2000. Environmental management of a tourist destination: a factor of tourism competitiveness. Tourism Management, 21(1), pp. 65-78; Buhalis D. Marketing the competitive destination of the future // Tourism Management. 2000. № 21 (1). P. 97-116.

Т.А.Себекина, А.Зорин, Т.В.Львова⁶ ва бошқа олимларнинг илмий тадқиқотларида кенг ёритилган. Айниқса, янги зеландиялик олим Н.Лейпер томонидан яратилган туристик дестинациянинг тизимли модели эътиборга молик.

Республикамиз олимларидан М.Э.Пўлатов, М.Қ.Пардаев, М.М.Мухаммедов, И.С.Тухлиев, Н.Тухлиев, Д.Х.Асланова, Н.Б.Навруз-Зода, А.С.Солиев, М.Р.Усмонов, Д.К.Усманова, А.Норчаев, Б.Х.Тўраев, О.Х.Ҳамидов, М.Т.Алимова, Б.Ш.Сафаров, А.А.Эштаев, М.Т.Алиева, Н.С.Ибрагимов, Д.З.Норкулова, Д.Бекжановларнинг⁷ илмий тадқиқотлари туристик ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг турли масалаларига бағишланган.

⁶ Морозов М.А. Дестинация – важнейший элемент туризма / М.А. Морозов, О. Коль. Туризм: практика, проблемы, перспективы. – 1998. – № 1. – С. 9.; Николаев С.С. Стратегия формирования единого туристского пространства в регионе: (На прим. Санкт-Петербурга и Ленингр. обл.): автореф. дис. ... канд. экон. наук: 08.00.05 / С.-Петерб. гос. ун-т экономики и финансов. — СПб., 2000. — 16 с.; Себекина Т. А. Формирование комплекса продвижения туристских услуг дестинации (на примере Камчатки): //Автореферат кандидата экономических наук. [Электронный ресурс]. Москва.2006. - Режим доступа: <http://www.dissercat.com/content/formirovanie-kompleksa-prodvizheniya-turistskikh-uslug-destinatsii-na-primere-kamchatki>; Зорин А., Зорин И. Дестинация. М., РМАТ, 2009. С.26; Львова Т.В. Влияние качества туристских услуг на экономику дестинации (на примере города-курорта Сочи): автореф. дисс...канд.экон.наук.- Сочи, 2011. - 26 с.

⁷Пўлатов М.Э. ва б. Глобал иқтисодий ривожланиш (туризм иқтисодиёти) //Ўқув қўлланма. - Т.: Фан ва технология, 2018.- 296 б.; Қудратов Ғ.Ҳ., Ҳошимов М. Буюк Ипак йўлида туристик сервисни амалга ошириш масалалари // Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолар ва уларнинг ечимлари. Монография. – Т.: Иқтисод-молия, 2008. - Б.105-111.; Пардаев М.Қ., Атабаев Р., Пардаев Б.Р. Туризмни ривожлантириш имкониятлари //Т.: Фан ва технология, 2007. - 32 б.; Асланова Д.Х. Модели формирования туристского кластера за рубежом // Сервис, 2013. - №1. - С.4-9.; Навруз-Зода Б.Н умумий таҳрири остида. Туристик ҳудуд рақобатбардошлиги //монография – Бухоро, 2017. 150 б.; Тухлиев И.С ва б. Туризм асослари //Ўқув қўлланма. - Самарқанд, СамИСИ, 2010. 247 б.; Тухлиев И.С., Қудратов Ғ.Ҳ., Пардаев М.Қ. Туризмни режалаштириш. – Т. «Иқтисод-молия». 2010. 263 б.; Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Менеджмент и организация бизнеса в туризме Узбекистана. – Т.: О'zME, -2006. 386 б.; Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Экологический туризм: сущность, тенденции и стратегия развития //–Т.: О'zME, 2006. - 416 б.; Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Национальные модели развития туризма // –Т.: О'zME, - 2006. - 386 б.; Усмонов М.Р., Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришнинг минтақавий хусусиятлари (Самарқанд вилояти мисолида) // География фан. ном. дис. автореферати. – Т.: ЎЗМУ, 2003. 25 б.; Солиев А.С., Усмонов М.Р. Туризм географияси // Самарқанд: СамДУ, 2005. - 131 б.; Мухаммедов М.М. ва б. Хизмат кўрсатиш соҳаси ва туризмни ривожлантиришнинг назарий асослари. - С.: Зарафшон, 2007. - 299 б.; Усманова Д.К. Особенности формирования туристского продукта и перспективные направления его развития: автореферат кандидата экономических наук. – Самарқанд, СамИСИ, 2009. - 25 б.; Норчаев А.Н. Халқаро туризм ривожлантиришнинг иқтисодий ўсишга таъсири: иқтисод фан. ном. диссертацияси. - ТДИУ, 2004. - 120 б.; Тураев Б.Х. Развитие организационно-экономических механизмов функционирования регионального туризма: автореф. дисс....док.экон.наук, - 2011. - 38 с.; Ҳамидов О.Ҳ. Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантиришни бошқаришни такомиллаштириш: муаммо ва ечимлар. Монография. – Т.:Иқтисодиёт, 2016. - 203 б.; Алимова М.Т. Худудий туризм бозорининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденциялари (Самарқанд вилояти мисолида): иқтисодиёт фанл. доктори (DSc) дисс. - С.: СамИСИ, 2017. - 265 б.; Сафаров Б.Ш. Миллий туризм хизматлар бозорини инновацион ривожлантиришнинг методологик асослари. – Т.: Фан ва технология, 2016. - 184 б.; Эштаев А.А. Глобаллашув шароитида туризм индустриясини бошқаришнинг маркетинг стратегияси (Ўзбекистон Республикаси туризм тармоғи мисолида): иқтисодиёт фанл. доктори (DSc) дисс. автореф. – Самарқанд, 2019. - 71 б.; Алиева М.Т. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида туризм хизматлари соҳасини бошқаришнинг иқтисодий жиҳатлари (Ўзбекистон Республикаси мисолида): иқтисодиёт фанл. доктори (DSc) дисс. автореф. – Самарқанд, 2019. - 78 б.; Ибрагимов Н.С. Ўзбекистонда халқаро туризмни ривожлантиришда дестинацион менежмент концепциясини қўллаш: иқт.фан. номз. дисс.автореф. – Самарқанд, 2008. – 56 б.; Норкулова Д.З. Ўзбекистонда социал туризм хизматларини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш: иқт.ф.фалс.д (PhD) дисс. автореф. – Самарқанд, 2021. – 67 б.; Бекжанов Д.Й. Инновацион ёндашувлар асосида туристик дестинация рақобатбардошлигини ошириш механизмларини такомиллаштириш: иқт.ф.фалс.д (PhD) дисс. автореф. – Урганч, 2021. – 58 б.

Айтиш жоизки, барча олимлар туристик ҳудудларни ривожлантириш масаласига кенг тўхталиб, кластерларни шакллантириш масалалари етарлича ўрганилмаганлиги, Ўзбекистон туристик ҳудудларининг кластерларни шакллантиришни таъминлаш эвазига зиёрат туризмни жадал ривожлантиришнинг концептуал асосларини тадқиқ этишни тақозо этмоқда.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Бухоро давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ва Давлат илмий-техника дастурлари доирасида 2017-2020 йилларга мўлжалланган ОТ-Ф1-04(08)-рақамли «Рақобатбардош туристик ҳудуд ва кластерларни шакллантириш асосида Ўзбекистонда туризмни давлат миқёсида барқарор ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини ишлаб чиқиш» мавзусидаги фундаментал лойиҳа билан боғлиқ ҳолда бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Туристик ҳудудлар негизида зиёрат кластерларини шакллантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

саёҳат фаолияти “дестинация” (туристик ҳудуд)ларда амалга оширилишини илмий-назарий асослаб, “туристик дестинация” назарияси турли ёндашувларининг қиёсий таҳлилинини ўтказиш ва кластер шакллантириш нуқтаи назаридан таъриф бериш;

“зиёратгоҳ” талқинидаги туристик ҳудуднинг табиати ва моҳиятини очиб бериш;

“туристик ҳудуд (дестинация)” атамасини рақамли туризмни ривожлантириш ва коронавирус пандемияси шароитида туристларнинг уйдан туриб онлайн саёҳат қилишга мослашаётганлигини ҳисобга олиб, унинг янгича – “Смарт туристик дестинация” моделини илмий асослаш ва кластер шакллантириш хусусиятини аниқлаш;

зиёрат туристик кластерларни шакллантириш мақсадида муқаддас жойларнинг зиёрат кластербоплигини баҳолаш мезонлари ва уларни сифат жиҳатдан таснифлаш тартибини ишлаб чиқиш;

зиёрат туристик кластерини шакллантиришнинг концептуал моделини ишлаб чиқиш;

Бухоро вилоятида "Етти Пир зиёрат кластери"нинг мақбул тузилмасини шакллантириш ва нуфузли брендини ишлаб чиқиш;

Бухоро вилоятининг "Етти Пир зиёрат кластери" доирасида 2024 йилга қадар зиёратчилар оқимининг прогноз параметрларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Бухоро вилояти “Етти Пир” зиёратгоҳлари танланган.

Тадқиқот предметини туристик ҳудудлар негизида зиёрат кластерларини шакллантириш жараёнида юзага келадиган ташкилий-иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Диссертацияда тизимли таҳлил, қиёсий таҳлил, монографик таҳлил, комплекс ёндашув, эксперт баҳолаш, сўров, статистик

кузатиш, эконометрик моделлаштириш ва прогнозлаш каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

зиёрат туристик кластерини шакллантиришда муқаддас жойларнинг зиёрат кластербоплик даражасининг аниқловчилари сифатида “муқаддас маскан”, “диққатга сазовор муқаддас жой”, “жозибадор зиёрат ҳудуд” ва “кластербоп зиёратгоҳ”ни баҳолаш ёндашуви асосланган;

“ақлли зиёрат ҳудудлар”ни шакллантириш ва туристик хизматлар кўрсатувчи давлат ва хусусий корхоналараро қўшилган қиймат занжирини яратиш асосида зиёрат кластерини ташкил қилишнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган;

саёҳат фаолияти “дестинация”ларда, “ақлли ҳудуд” ҳамда унинг кластерини шакллантирувчи хусусиятга эга бўлган “смарт туристик ҳудуд” таърифи туристик дестинациянинг уч даражаси асосида такомиллаштирилган;

Бухоро вилоятида "Етти Пир зиёрат кластери"ни ташкил этишнинг 2025 йилга қадар зиёратчилар оқимининг прогноз параметрлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

“смарт туристик ҳудуд” зиёрат кластерини ташкил этишда базис сифатида қўлланилиши асосланган;

зиёрат кластерларни яратишда фойдаланилган муқаддас жойларнинг сифатини баҳолаш услубиёти тавсия этилган;

кластер тузилмасида яратиладиган қўшилган қиймат миқдорини ҳудудий кўламига нисбатини ифодаладиган “Кластернинг органик тузилиши” мультипликатори таклиф қилинган;

тўрт қатламли дестинацион ёндашувни инобатга олган ҳолда ва зиёрат туристик кластерининг органик тузилишидан келиб чиқиб, зиёрат туристик кластерларни шакллантиришнинг “ақлли” туристик ҳудуд модели ишлаб чиқилган;

суфийлик (тасаввуф) таълимотига асосланган олтин зиёрат туризм ҳалқасини ташкил этишга ихтисослашган “*Етти Пир зиёрат кластери*” лойиҳаси тавсия этилган;

Бухоро вилояти “Етти Пир зиёратгоҳи” да ташкил қилинадиган кластер зиёратчилар оқимининг ўрта муддатли прогноз параметрлари ишлаб чиқилган.

Олинган натижаларнинг ишончлилиги. Диссертацион тадқиқотда олинган илмий натижаларнинг ишончлилиги ишда қўлланилган методик ёндашув ва усулларнинг асосланганлиги, маълумотлар базасининг расмий манбалари ва монографик кузатув натижасида олингани, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалда синовдан ўтказилганлиги, шунингдек, олинган натижаларнинг Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитаси томонидан маъқулланилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти зиёрат туризмни кластер усулида ташкил этиш тўғрисидаги назарий билимлар доирасини кенгайтиради. Тадқиқотнинг назарий-илмий хулосалари ва услубий тавсияларидан Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитаси фаолиятида 2021-

2025 йилларда ҳудудларнинг туризм салоҳиятини изчил ўрганиш натижасида амалга оширилиши режалаштирилган чора-тадбирлар дастури ва “Йўл харита”ларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда ҳамда туризм ҳудудларининг зиёрат туристик жозибadorлиги, зиёрат туристик хизматларининг сифат ва рақобатбардошлигини оширишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, уларда асосан ишлаб чиқилган таклифлар ва амалий тавсиялардан республикада зиёрат туристик кластерларини шакллантириш бўйича дастурий ҳужжатларни, тармоқни ривожлантиришга қаратилган комплекс чора-тадбирларни, ҳудудлардаги зиёрат туристик фаолият билан шуғулланувчи ташкилотлар фаолиятини такомиллаштиришга доир тадбирларни ишлаб чиқишда, шунингдек, хизмат соҳаси йўналишидаги олий таълим муассасаларида зиёрат туризми бўйича кадрларни тайёрлашда ҳамда “Зиёрат туризми” ва “Зиёрат туризмда кластерлаштириш” фанларидан ўқув қўлланма, дарсликлар тайёрлашда ва уларнинг ўқув дастурлари, ўқув-усулий мажмуаларини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Туристтик ҳудудлар негизида зиёрат кластерларини шакллантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

зиёрат туристик кластерларни шакллантириш мақсадида муқаддас жойларнинг зиёрат кластербоплик даражаси аниқловчилари сифатидаги “муқаддас маскан”, “диққатга сазовор муқаддас жой”, “жозибador зиёрат ҳудуд” ва “кластербоп зиёратгоҳ”ни баҳолаш методологияси ва мезонлари Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан Бухоро вилоятида 2019-2020 йилларда туризмни ривожлантириш комплекс дастурини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2020 йил 3 ноябрдаги 02-16/5140-сон маълумотномаси). Ушбу илмий таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида мамлакатимизда мавжуд бўлган муқаддас жойларнинг реал зиёрат кластербоплик даражасини эксперт усулида аниқлаш ва кластер тузишга муносиб зиёратгоҳларни танлаб олиш йўли билан ҳудудларда зиёрат кластерларни яратиш имкониятини берган;

“ақлли зиёрат ҳудудлар”ни шакллантириш ва тегишли туристик хизматлар кўрсатувчи давлат ва хусусий корхоналараро қўшилган қиймат занжирини яратиш жараёнларининг ўзаро алоқадорлиги ва таъсирини ифодалайдиган муаллифлик зиёрат кластери модели Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан Бухоро вилоятида 2019-2020 йилларда туризмни ривожлантириш комплекс дастурини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2020 йил 3 ноябрдаги 02-16/5140-сон маълумотномаси). Мазкур моделни амалда қўллаш орқали Ўзбекистоннинг турли зиёратбоп масканларида трансакцион харажатларни камайтириш ва зиёрат туризмида қўшилган қиймат занжирини яратиш натижасида зиёрат туристик маҳсулотларининг рақобатбардошлигини ошириш имкониятини яратилган;

“туристик худуд” тушунчасини сайёҳлар ташриф буюрадиган “ақлли худуд” ҳамда рақамли сайёҳлик бизнес субъекти бирлиги сифатида кўриб чиқиш асосида унинг кластерни шакллантирувчи хусусиятига эга бўлган “смарт туристик худуд” талқини Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан Бухоро вилоятида 2019-2020 йилларда туризмни ривожлантириш комплекс дастурини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2020 йил 3 ноябрдаги 02-16/5140-сон маълумотномаси). Ушбу талқинининг амалиётга жорий этилиши натижасида Ўзбекистонда рақамли зиёрат туризмни кластер усулида худудлар бўйича жадал ривожлантириш имкониятини янада оширишга эришилган;

Бухоро вилоятида "Етти Пир зиёрат кластери"ни ташкил этиш бўйича таклифи асосида 2024 йилга қадар зиёратчилар оқимининг прогноз параметрлари Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан Бухоро вилоятида 2019-2020 йилларда туризмни ривожлантириш комплекс дастурини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2020 йил 3 ноябрдаги 02-16/5140-сон маълумотномаси). Ўзбекистоннинг янги - Етти Пир зиёрати туристик йўналиши бўйлаб саёҳатга ихтисослашган зиёрат кластерининг ташкил этилиши натижасида, Бухоро вилоятининг 5 та туманида умумий узунлиги 120 километр масофада тарқоқ жойлашган еттита пири комиллар зиёратгоҳларини ягона сайёҳлик маршрутига бирлашиш имкони яратди. Прогноз параметрларига кўра, Бухоро вилояти “Етти Пир” зиёратгоҳлари бўйлаб туристлар ташрифи 2020-2024 йилларда кластер ташкил қилиш натижасида кластер бўлмаган шароитига нисбатан – 533017 кишига ёки 19,9 фоизга ошган. Мазкур прогноз кўрсаткичлардан зиёрат туризмнинг истиқболдаги режаларини ишлаб чиқишда фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 37 та, жумладан, 20та халқаро ва 17та республика илмий-амалий конференцияларида апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, улардан, 6 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, унинг ҳажми 140 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазибалари, объекти ва предмети тавсифланган, мавзунинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда

тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши борасидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертация ишининг биринчи боби **“Туристик ҳудудлар негизида зиёрат кластерларини шакллантиришнинг назарий-методологик асослари”** деб номланиб, унда “туристик ҳудуд (дестинация)” тушунчаси, унинг “саёҳатгоҳ” ва “зиёратгоҳ” талқинлари, “смарт туристик ҳудуд”нинг ички тузилиш ва кластер шакллантирувчи хусусияти очиб берилган.

Туристик дестинация назариясининг турли ёндашувларини 40 йиллик (1980 йилдан 2020 йилга қадар) эволюцион даврини ўрганиш шуни кўрсатадики, “туристик дестинация” атамаси анъанавий шакл ва мазмундан янгича – “Смарт ёки ақлли туристик дестинация” шакли ва мазмунига трансформация бўлган. Бу трансформацион жараён куйидаги учта омиллар таъсирида амалга ошириб келмоқда:

1. АКТ ва Интернетнинг ривожланиши ҳамда уларнинг туризм соҳасида кенг қўланилиши туфайли дастлаб электрон, кейинча рақамли туризмнинг шаклланиши эвазига анъанавий туристик дестинациялар смарт туристик дестинацияларга айланиш тенденциялари кузатилмоқда.


2. Туризм ривожланган давлатларда “Смарт шаҳар”ларни барпо этилиши мазкур ҳудудларда ақлли туристик дестинацияларини шакллантиришга кучли таъсир ўтказмоқда.

3. Туризм соҳасида кластер технологияларини жорий этиб, туристик кластерларнинг ташкил этилиши натижасида туристик дестинацияларнинг мазмунида ўзгаришлар содир бўлиб, уларнинг туристик товар-контенти, маркетинг ва менежмент вазифалари кластерларга ўтиб кетиш тенденцияга айланмоқда. Натижада, смарт туристик дестинацияларнинг таркиби ва мақсад-вазифалари ўзгариб, улар туризм тизимининг элементидан туристик кластерларни шакллантирувчи пойдеворига айланмоқда. Ушбу пойдеворнинг устқурмаси сифатида туристик кластерлар юзага келмоқда.

Рақамли технологияларнинг туризм фаолиятида кенг қўлланилиши натижасида юзага келган смарт туристик дестинация сайёҳлик бизнесини кластер усулида ташкил этишда муҳим роль ўйнайди ва диққатга сазовор жойларга сайёҳларни вертуал жалб этиш имконини яратади. Смарт туристик дестинацияда ақлли ташриф жой ҳақида гап кетади. Бу жой шаҳар, туман, қишлоқ бўлиши мумкин. Шунингдек, улар ўртасида тафовут инновацион сервисни ривожлантириш ва мавжуд товарларга эҳтиёж инновацион воситалар орқали қондирилишида ҳам намоён бўлади. Агар анъанавий туристик ҳудуд (дестинация) кластер шакллантирувчи омил сифатида хизмат қилса, смарт туристик ҳудуд туристик кластерларни ташкил этишнинг пойдевори сифатида хизмат қилади. Виртуал сайёҳлик бизнесининг ривожланиши натижасида янги иш ўринлари вужудга келади, логистиканинг яхшиланиши ва замонавий транспорт воситаларидан фойдаланиш имкони пайдо бўлади.


“Смарт ҳудуд”нинг асосий фарқловчи хусусияти – мижозга йўналтирилганлиги ва Интернет 2.0 имкониятларидан фойдаланган ҳолда янги

қўшилган қиймат занжирларни яратишдадир. Туризм соҳасини кластер усулида ривожлантириш мақсадида биз “Туристтик дестинациянинг уч даражали смарт модели”ни тавсия этдик (1-расм).



1-расм. Туристтик дестинациянинг уч даражали смарт модели⁸

Туризм соҳасида АКТ дан кенг қўламда фойдаланиш эвазига туристик дестинациялар анъанавий саёхлик худудлардан смарт туристик худудларга айланадилар ва хилма-хил туристик талаб-эҳтиёжларни қондириш учун кенг имкони бор туристик кластерларни вужудга келтирадилар. Туристтик худудларни кластерлаштириш жараёнида, агар анъанавий туристик дестинация туристик кластерини шакллантирувчи таянч асос бўлса, смарт туристик дестинация унинг ядросини шакллантирувчи пойдевор сифатида хизмат қилади (2-расм).



2-расм. Смарт туристик дестинация кластерни шакллантирувчи пойдевор сифатида⁹

Юқоридаги расмдан кўринадики, смарт туристик дестинация кластер ядросини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Бунда, кластер ядроси деганда унинг асосий туристик хизмат кўрсатадиган корхона ва ташкилотлари назарда тутилади. Кластер ядросини ташкил қилгандан сўнг ҳамкор корхоналар билан ишбилармонлик алоқалари ўрнатилади. Ушбу туристик корхоналар смарт туристик худуд чегарасида фаолият кўрсатади. Кластер ядроси ва

⁸ Манба: 1-расм муаллиф ишланмаси.

⁹ Манба: 2-расм муаллиф ишланмаси.

ҳамкорларнинг фаолият натижалари кластер ҳудудидаги туристик инфра- ва инфор­мацион тузилмаларнинг ривожланганлик даражаси билан ҳам боғлиқ.

Диссертациянинг иккинчи боби, **“Муқаддас жойлар негизда зиёрат кластерларини шакллантиришнинг услубий асослари”** деб номланиб, ушбу бобда муқаддас жойларни кластерлаштириш шарт-шароитлари, зиёрат туризмнинг ўзига хос хусусиятлари ва кластер ёндашувида уни ривожлантириш концепцияси, кластер моделларининг зиёрат кластербоплик хусусиятларига мослигининг қиёсий таҳлили, муқаддас жойларнинг зиёрат кластербоплик даражасини аниқлаш методологияси ва мезонлари тадқиқ этилган.

Биз туристик кластер моделларининг зиёрат кластербоплик хусусиятларига мослигини аниқлаш мақсадида “туристик кластер моделлари” тафсилоти бўйича олимларнинг ол­тита илғор моделларини танлаб олдик ва қиёсий таҳлил ўтказиш учун *1-жадвалнинг 1-6-сатрларида* жойлаштирдик.

Қиёсий таҳлил жараёнида туристик кластерлар моделларининг зиёрат кластерини шакллантириш хусусиятларига мослигини аниқлаш учун тармоқлараро ўзаро ҳамкорлик шакли сифатидаги туристик кластерларнинг *зарурий* ва *етарли* хусусиятларини таҳлилга тортиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда, биз хўжалик юритишнинг турли даражаларида кластерларни шакллантиришнинг ўзига хос белгиларини инобатга олиб, уларни учта гуруҳи бўйича 10 та хусусиятини аниқлаб олдик.

Гуруҳлар кесимида кластерларни шакллантирувчи хусусиятлари куйидагилардан иборат:

I.Иқтисодий тармоқларда кластерларни шакллантириш хусусиятлари:

1.Ҳудудий бирлик. 2.Тармоқ ва тармоқлараро алоқаларнинг мавжудлиги. 3.Кооперацион алоқалар. 4.Давлат-хусусий шериклик. 5.Ички рақобат.

II.Туризм соҳасида кластерларни шакллантириш хусусиятлари:

6.Туристик ҳудудларнинг шаклланганлиги. 7. Номоддий хусусиятидаги туристик маҳсулотнинг технологик занжирини яратиш. 8. Ҳудудда турагентлик ва туроператорларнинг устунлиги.

III.Зиёрат туризмда кластерларни шакллантириш хусусиятлари:

9.Жозибадор зиёрат дестинация (ҳудуд)ларнинг мавжудлиги. 10. Зиёратчиларнинг кластерда иштироки.

Олтита илғор кластер моделларининг зиёрат кластербоплик хусусиятларига мослигини аниқлаш мақсадида, уларнинг хўжалик юритишнинг турли даражалардаги ўнта кластер шакллантирувчи хусусиятлари билан солиштириш йўли билан қиёсий таҳлил ўтказилган. Таҳлиллар натижасида туристик ҳудуд билан боғлиқ бўлган 3 та - “Кластерлаштирилган туристик дестинация”, “Туристик кластернинг географик” ва “Дестинацион менежмент” моделлари зиёрат кластерини шакллантириш учун мақбул моделлар сифатида танлаб олинган. Моҳият ушбу мақбул моделлар асосида ҳудудий зиёрат кластерларни шакллантириш учун муқаддас жойларни зиёрат кластербоплиги нуқтаи назарида тадқиқ этишни тақозо этади.

**Туристтик кластер моделларининг зиёрат кластербоплиги хусусиятларига
мослигининг қиёсий таҳлили***¹⁰

Тър	Туристтик кластер моделлари (муаллифлари ва давлати)	Кластерларни турли хўжалик юритиш даражаларида шакллантириш хусусиятлари									
		Иқтисодий тармоқларда					Туризм соҳасида			Зиёрат туризмида	
		1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
1	Туристтик кластернинг глобал рақобатбардошлигини ривожланиш модели (N.Kim& E. Wicks, АҚШ)	+	+	+	+	+	-	+	+	-	-
2	Кластерлаштирилган туристик дестинация модели (А.Малакускайте ,V. Navickas , Польша)	+	+	+	+	+	+	-	+	-	-
3	Туристтик кластернинг тизимли модели (А.Е.Бойко, Россия)	+	+	+	-	-	-	+	+	-	-
4	Жараён ёндашуви асосида туристик кластернинг таркибий модели (Е.Г.Карпова, Россия)	+	+	+	-	+	-	+	+	-	+
5	Туристтик кластернинг географик модели (М.А.Морозов, Т.В.Львова, Россия)	+	+	+	-	-	+	-	-	-	-
6	Туристтик кластернинг дестинацион менежмент модели (Б.Н.Навруз-Зода, Н.С.Ибрагимов, Ўзбекистон)	+	+	+	-	-	+	-	+	-	-

*Изоҳ: «+» - хусусият мавжуд; «-» - хусусият мавжуд эмас.

Диссертацияда “кластербоп” сўзини биз кластер яратиш имконининг мавжудлиги ва “зиёрат кластербоплиги” иборасини эса зиёратгоҳларнинг сайёҳлик ташкилотлари билан ҳамкорлигида зиёрат хизматларини диверсификация қилиш ва сифатини яхшилаш имконини яратиш мақсадида кластер шаклида бирлашма тузишга яроқли, деган маънода ишлатдик. Худудлардаги муқаддас жойларнинг сифат даражаларини баҳолаш ва кластербоплигини тавсифловчи детерминант (аниқловчи)ларини танлаб олиш мақсадида биз “Муқаддас жойларнинг зиёрат кластербоплик” даражасини ифодаловчи индикаторининг ҳисоб-китобини қуйидаги бешта босқичда амалга оширишини тавсия этдик:

1.“Муқаддас жойларнинг эталон зиёрат кластербоплиги” даражасини шакллантириш.

2.Муқаддас жойларнинг зиёрат кластербоплик даражасини аниқлаш мезонларини ишлаб чиқиш.

¹⁰ Манба: муаллиф ишланмаси.

3.Муқаддас жойларнинг зиёрат кластербоплигини реал тавсифловчи мезонлар бўйича баҳолаш кўрсаткичларини шакллантириш ва уларнинг салмоғини белгилаш.

4.Муқаддас жойларнинг зиёрат кластербоплик даражасини баҳолаш кўрсаткичларига экспертларнинг муносабатини балларда ифодалаш.

5.Эксперт баҳосининг умумий йиғидисининг эталон баҳоси билан қиёслаш эвазига муқаддас жойнинг реал зиёрат кластербоплик даражасини аниқлаш.

Муқаддас жойларнинг зиёрат кластербоплик даражасини аниқлаш мезонларини ишлаб чиқиш мақсадини кўзлаб биз “Эталон зиёрат кластербоплик” даражасидан келиб чиқадиган муқаддас жойларни сифат жиҳатдан баҳолаш имконини берадиган 10 та ўлчов мезонларини ишлаб чиқдик.2-жадвалнинг 2-устунида бу мезонлар жойлаштирган. Муқаддас жойларнинг эксперт баҳосини умумий йиғидисининг эталон баҳоси билан қиёслаш эвазига муқаддас жойларнинг эришилган реал зиёрат кластербоплик даражаси танланади. Зиёрат кластерларини шакллантириш мақсадида муқаддас жойларни тавсифловчи зиёрат кластербоплик даражалари қуйидаги 4та сифат даражадан бирига мос келиши аниқланади: 1) 0 баллдан 40 баллгача - “Муқаддас маскан”; 2) 41 баллдан 70 баллгача - “Диққатга сазовор муқаддас жой”; 3) 71 баллдан 85 баллгача - “Жозибатор зиёрат ҳудуд (дестинация)”; 4) 86 баллдан 100 баллгача - “Кластербоп зиёратгоҳ”.

Муаллиф томонидан тузилган “Муқаддас жойларнинг зиёрат кластербоплик даражасини баҳолаш саволномаси” асосида “Муқаддас жойларнинг зиёрат кластербоплик” даражаси индикатори ҳисоб-китоб қилиб чиқилди (2-жадвалга қаранг). Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики “Етти Пир зиёратгоҳлари” ўртасида энг юқори сифат даражасига эга Баҳоуддин Нашқшбанд ва Хожа Абдуҳолик Ғиждувоний зиёратгоҳларидир. Баҳоуддин Нашқшбанд зиёратгоҳи 100 баллдан 95 балл олишга сазовор бўлган. Фақат 5-мезон – “Муқаддас жойларнинг муқаддаслик мартабаси”дан 10 баллдан, аллома пайғамбар ва имом мақомида бўлмаслиги сабабли, эксперт томонидан 8 балл берилди ва 6-мезон – “Муқаддас жойлари илмий салоҳияти” дан 10 баллдан 9 балл олганлигига сабаб Баҳоуддин Нақшбанд ҳақида Имом Ал-Бухорий ва Имом Мотурудийларга нисбатан камроқ асарлар яратилганидадир. 8-мезон – “Муқаддас жойларнинг тарихийлиги”дан эса энг кўп баллдан 2 балл кам олганлиги эса Бухорода Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳидан аввалроқ қурилган Варахша каби муқаддас жойларнинг мавжудлигида, деб изоҳланади. “Етти Пир зиёратгоҳлари”нинг зиёрат кластербоплик индикаторини аниқлаш ва уларнинг сифат даражаси баҳолаш Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд ва Хожа Абдуҳолик Ғиждувоний зиёратгоҳлари негизида “Етти Пир зиёрат кластери”ни яратиш мақсадга мувофиқдир, деган хулосага келинди.

Бухоро вилоятидаги “Етти Пир” зиёратгоҳлари”нинг зиёрат кластербоплик даражасини баҳолаш жараёни¹¹

(балларда)

Т/р	Мезонлар	1-чи Пир	2-чи Пир	3-чи Пир	4-чи Пир	5-чи Пир	6-чи Пир	7-чи Пир
1	Зиёратгоҳлар ҳақидаги маълумотларнинг кенг қамровлилиги	8	5	4	5	6	7	10
2	Зиёратгоҳларнинг инфраструктурасининг ривожланганлиги	9	5	5	5	5	6	10
3	Зиёратгоҳларнинг нуфузлилиги	9	5	5	6	6	7	10
4	Зиёратгоҳларнинг саждабоплиги	9	5	5	5	5	5	10
5	Зиёратгоҳларнинг муқаддаслик мартабаси	8	7	5	5	5	6	8
6	Зиёратгоҳларнинг илмий салоҳияти	8	6	3	7	4	7	9
7	Зиёратгоҳлардаги обидаларнинг мажмуа кўринишидалиги	8	6	6	5	5	5	10
8	Зиёратгоҳларнинг тарихийлилиги	8	5	6	5	5	5	8
9	Зиёратгоҳларнинг кароматлилиги	10	6	5	6	7	7	10
10	Зиёратгоҳларнинг фойдалилик ҳолати ва уларни бошқариш имкониятлари	9	5	5	6	6	8	10
Зиёратгоҳнинг зиёрат кластербоплик индикатори баҳоси:		86	55	49	55	54	63	95
Зиёратгоҳнинг зиёрат кластербоплиги сифат даражаси:		КБЗ	ДСМЖ	ДСМЖ	ДСМЖ	ДСМЖ	ДСМЖ	КБЗ

Изоҳ: **1-Пир** - Хожа Абдуҳолиқ Гиждувоний зиёратгоҳи; **2-Пир** - Ар Ревгарий Моҳитобон зиёратгоҳи; **3-Пир** - Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий зиёратгоҳи; **4-Пир** - Хожа Али Ромитаний зиёратгоҳи; **5-Пир** - Муҳаммад Бобойи Самосий; **6-Пир** - Саййид Мирқуллол зиёратгоҳи; **7-Пир** – Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд меъмориал мажмуаси.КБЗ- Кластербоп зиёратгоҳ; ДСМЖ - Диққатга сазовор муқаддас жой.

Биз “Етти Пир зиёратгоҳлари” билан бирга яна Ўзбекистондаги 33та нуфузли муқаддас жойнинг реал зиёрат кластербоплик даражасини эксперт усулида аниқладик (3-жадвал). Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, 40 та ўрганилган зиёратгоҳлардан 8 тасининг (20%) зиёрат кластербоплиги паст -

¹¹Манба: жадвал ўзбек нақшбандияшунос олимаси, фалс.ф.д., профессор Г.Н.Наврўзованинг эксперт баҳолари асосида ва ушбу баҳоларнинг ҳақиқийлигини ҳар бир зиёратгоҳнинг имом-хатиби билан келишилган ҳолда тадқиқотчи томонидан тузилган махсус сўровномаси асосида тузилган.

“Муқаддас маскан” сифат даражасида қарор топган. “Диққатга сазовор муқаддас жой” даражадагиларнинг улуши - 45%ни ташкил этади. 7 таси (17,5%) “Жозибадор зиёрат ҳудуд (дестинация)” даражасида ва шунча “Кластербоп зиёратгоҳ” даражасига мос келади. Имом-ал-Бухорий мажмуаси, Пахлавон Маҳмуд мақбараси, Ал-Ҳаким ат-Термизий мажмуаси, Имом ат Термизий зиёратгоҳи, Шоҳи Зинда мажмуаси, Хожа Абдуҳолиқ Ғиждувоний зиёратгоҳи ва Баҳоуддин Нақшбанд мажмуаси “Кластербоп зиёратгоҳ” даражасига мос келади ва ушбу муқаддас жойлар негизида зиёрат кластерларини яратиш имкони мавжуд.

3-жадвал

Ўзбекистондаги 40 та муқаддас жойнинг зиёрат кластербоплик даражасини баҳолаш натижалари¹²

Т/р	Муқаддас жойларнинг зиёрат кластербоплик индикатори баҳоси	Муқаддас жойларнинг зиёрат кластербоплиги сифат даражаси	Зиёрат кластербоплигининг сифат даражасига хос муқаддас жойлар сони	Уларнинг умумий баҳоланган муқаддас жойлардаги улуши,%
1	0 - 40 балл	“Муқаддас маскан”	8	20,0
2	41 - 70 балл	“Диққатга сазовор муқаддас жой”	18	45,0
3	71 - 85 балл	“Жозибадор зиёрат ҳудуд (дестинация)”	7	17,5
4	86 - 100 балл	“Кластербоп зиёратгоҳ”	7	17,5
	Жами:		40	100

Муқаддас жойларнинг зиёрат кластербоплиги индикаторининг ҳисоб-китоблари Ўзбекистонда зиёрат туризмни кластер ёндашувида ривожлантиришда асос борлигидан дарак беради.

Тадқиқот ишининг учинчи боби “**Концептуал модел доирасида “Етти пир зиёрати” зиёрат кластерини шакллантириш истиқболлари**” деб номланиб, мазкур бобда зиёрат туристик кластерларини шакллантиришнинг смарт дестинацион модели, Бухоро вилоятида “Етти Пир зиёрат кластери”ни яратиш ва унинг халқаро миқёсда нуфузини оширишнинг устувор йўналишлари, “Етти Пир” туристик маршрути бўйлаб зиёратчилар оқимининг 2020-2024 йилларда прогноз параметрлари тадқиқ қилинган.

“Кластерлаштирилган туристик дестинация модели”ни биз туристик ҳудудларга асосланган туристик кластерларини шакллантиришнинг ҳақиқий андозаси сифатида танлаб олиб, унга таянган ҳолда муаллифлик - “*Зиёрат кластерини шакллантиришнинг “ақлли” туристик ҳудуд (дестинацион) модели*”ни тузишга саъй-ҳаракат қилдик. Муаллифлик моделimizда методологик асос сифатида *кластернинг органик тузилиши* танлаб олинди. Зиёрат туристик кластерининг органик тузилиши диққатга сазовор муқаддас

¹² 2-жадвал муаллиф томонидан тузилган.

жойлари негизда зиёратчиларнинг талаб-эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда шакллантирилган жозибали зиёрат ҳудуд (дестинация)лари ва туристик хизмат кўрсатиш технологик занжири билан боғлиқ субъектлари мутаносиблигини ифодалайди.

Туристтик кластерни шакллантиришнинг тўрт қатлам: туристик дестинация, кластер ядроси, бизнес ҳамкорлар, инфра- ва инфотузилмадан иборат дестинацион ёндашувини инобатга олган ҳолда ва зиёрат туристик кластерининг органик тузилишдан келиб чиқиб, биз **“Зиёрат туристик кластерини шакллантиришнинг “ақлли” туристик ҳудуд (дестинацион) модели”**ни қуйидаги кўринишда тавсия этамиз (3-расм).



3-расм. Зиёрат кластерини шакллантиришнинг “ақлли” туристик ҳудуд (дестинацион) модели¹³

3-расмдан кўришиб турибдики, зиёрат туристик кластерини шакллантиришнинг “ақлли” туристик ҳудуд модели кластернинг территориал ва тармоқ жиҳатларини ақс эттирадиган иккита нисбатан мустақил қисмдан иборат:

биринчиси, туристик ҳудудда АКТ ва Интернет имкониятларидан кенг фойдаланиш оқибатида “ақлли” зиёрат ҳудудини шакллантириш. Муқаддас

¹³Манба:3-расм муаллиф ишланмаси.

жойларни зиёрат кластерларга айлантириш натижасида кластербоп “ақлли” зиёрат ҳудудлари вужудга келади ва улар кластер шакллантирувчи таянч асос сифатида хизмат қиладилар;

иккинчиси, зиёрат туристик хизматлар кўрсатувчи фирмалар ичидаги кўшилган қиймат занжирларини яратиш. “Кўшилган қиймат занжири” М.Портер таъбирига кўра, “компаниянинг ўз маҳсулотларини яратиш, ишлаб чиқариш, маркетинг, етказиб бериш ва хизмат кўрсатишга қаратилган турли тадбирлари мажмуи”¹⁴, деб тушунилади. Кўшилган қиймат занжири кластер доирасида хўжалик юритувчи субъектларининг қийматини кўпайтириш имконини яратади. Зиёрат туристик хизматларини кўрсатиш жараёнида яратилган кўшимча қиймат қанчалик юқори бўлса, кластерда тадбиркорлик фаолияти шунчалик самарали бўлади. Шунинг учун кўшилган қиймат занжирларини яратишга қодир зиёрат туристик хизматлар кўрсатувчи фирмаларни бирлашуви эвазига зиёрат туризмни ташкил этишнинг кластер шаклини вужудга келтиради.

Қайд этиш жоизки, зиёрат ҳудудларни шакллантириш ва фирмалар ичидаги кўшилган қийматни яратиш жараёнларининг ўзаро алоқадорлиги ва ўзаро таъсири натижасида зиёрат кластери вужудга келади. Муайян зиёратгоҳлар негизида кўшилган қиймат занжирини яратишга қодир бўлган зиёрат туристик хизматлар кўрсатувчи бирлашган маҳаллий ташкилотини тузишга кўмаклашадиган ташкилий ва иқтисодий дастак, восита ва усулларини аниқлаштириб олиш керак. Биз тавсия этилаётган концептуал моделдаги қарама-қарши томонларда жойлаштирилган иккита етакчи таркибий қисмларнинг узвий боғланиши, фикримизча, тўрта ташкилий-иқтисодий механизмлари орқали амалга ошириш мумкин. Бу механизмлар 3-чи расмда иккита кластер шакллантирувчи етакчи қисмларининг ўртасида жойлаштирилган. Зиёрат кластерини шакллантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари таркибига биз куйидагиларни тавсия этдик: 1.Зиёрат ҳудудларни кластерлаштириш; 2.Вертикал ва горизонтал алоқаларни ўрнатиш; 3.Ички рақобатни ривожлантириш; 4.Дестинацион маркетинг воситаларини қўллаш.

Тавсия этилган муаллифлик зиёрат кластери моделининг бошқалардан фарқи куйидагилардан иборат:

1) агар барча мавжуд моделларда туристик дестинация кластернинг элементи сифатида кўриб чиқилган бўлса, биз туристик дестинацияни кластерни шакллантирувчи пойдевори ва кластерни эса туристик дестинациясининг устқурмаси сифатида кўриб чиққанмиз;

2) барча мавжуд моделларда анъанавий туристик дестинация кластер элементи сифатида кўриб чиқилган бўлса, биз кластерни “смарт-дестинацияси” негизида шакллантиришни тавсия этганмиз;

3) биз дестинациянинг зиёрат талқинига эътибор қаратган ҳолда зиёрат туристик кластерини муқаддас жойлар негизида шакллантиришга интиланмиз;

4) зиёрат кластерини шакллантиришнинг янги – “рақобат бенчмаркинги” механизмининг моделимизда жорий этганмиз.

¹⁴ Портер М. Конкурентное преимущество: Как достичь высокого результата и обеспечить его устойчивость. М.: Альпина Паблишер, 2016. 716 с.С.73.



4-расм. Бухоро вилояти “Етти Пир зиёрат кластери”нинг тузилиши¹⁵

¹⁵ Манба:4-расм муаллиф ишланмаси.

Жаҳонда тасаввуф ғояларнинг машҳур “Хожагон-Нақшбандия” таълимоти олтин ҳалқаси пири комиллари табаррук кадамжолари айнан Бухоро вилоятининг туман ва шаҳарларида жойлашганини эътиборга олсак, дунё мусулмонлари, қолаверса, тасаввуф илми билан қизиқувчи барча инсонларга таклиф қилиш мақсадида Бухоро вилоятида янги - “**Етти Пир зиёрати**” туристик йўналиши бўйлаб саёҳатга ихтисослашган зиёрат кластерини ташкил этиш тавсия этилади.

“Етти Пир зиёрат кластери”нинг тузилиши 4-расмда кўрсатилган. Ушбу зиёрат кластери таркибига давлат-хусусий шериклик асосида шакллантирилган “Халол туризм ва хавфсиз зиёрат инспекцияси”ни ташкил этиш тавсия этилади. Инспекциянинг асосий вазифаси зиёрат туризми жараёнида “Халол стандарти” талабларига риоя қилинишини назорат қилиш ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларни кўришдан ҳамда сайёҳат даврида зиёратчиларнинг хавфсизлигини таъминлашдан иборат.


